



## ШАХСИ ШАЪНИНИ КАМСИТУВЧИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Нарзуллаев Эркин Сайдуллаевич

ИИБ Академияси магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10679782>

### ARTICLE INFO

Received: 15th February 2024

Accepted: 17th February 2024

Published: 19th February 2024

### KEYWORDS

*Шахсни шаънини камситувчи  
маълумотлар,  
профилактика, жиноятлар.*

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада Шахсни шаънини камситувчи  
маълумотларни ошкор қилиш билан боғлиқ  
жиноятларнинг профилактикаси борасида  
мулоҳазалар ўзаро ўрганилиб, муаллиф томонидан  
назарий таҳлил қилинган.*

Инсон шаънини эъзозлаш, унинг қадр-қимматини юксалтириш мамлакатимизнинг асосий вазифаларидан бири сифатида эътироф этилиши барчамизга маълум. Шу сабабли қонунчилигимизда бўлаётган янгиликлар, инсон ҳуқуқлари ва уларнинг кафолатларига оид қабул қилинаётган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бир қаторда турли хил соҳаларга оид қонун ҳужжатларида фуқароларнинг ҳуқуқларига зид ҳолатлар мавжуд эмаслиги, балки инсон ҳуқуқларини амалга ошириш учун яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида тушунчалар ҳосил қилишимиз мумкин [1].

Аммо баъзи бир ҳолатларга ҳам эътибор қаратадиган бўлсак: ҳозирги кунда шахснинг шаъни ва қадр-қимматига зарар етказувчи энг асосий омиллардан бири бу – инсон ҳаётининг сир тугиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш ҳисобланади.

Бу борада 2023 йилнинг 11 апрелдаги “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-829-сонли Қонун ҳам қабул қилиниб, зарур чоралар ва жазо чоралари белгилаб олинган. Зеро, «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш мақсад қилинган.

Ш.Х.Бегматов фикрича, шахснинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тугиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш юзасидан юқоридаги Қонунга кўра, Шахс танасининг ва (ёки) жинсий аъзоларининг яланғоч ҳолдаги фото- ва (ёки) видеотасвирини ўз ичига олган ахборотни унинг розилигисиз тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш ёхуд бундай ахборотни тарқатиш билан қўрқитиш, базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт

юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши, худди ўша ҳаракатни

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган[2].

Шу каби ҳолатларни бартараф этиш юзасидан ҳамда инсон ҳуқуқларини кафолатлаш борасида юртимизда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги таъкидлаб ўтсак муболаға бўлмайди. Зеро, бу борада ички ишлар органлари томонидан профилактик ишлар тизимли амалга оширилиб борилмоқда. Ушбу йўналишдаги амалга оширишдан мақсад «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» ҳисобланади. Ушбу қилмиш учун қонунчилигимизда белгиланган жазо чоралари мавжуд бўлиб, ҳозирда ҳам мазкур ҳолатларни камайтириш ва бартараф этиш учун зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Самарқанд вилояти, Жомбой туманида яшовчи 18 ёшли (қиз) М.О. мурожаат қилиб, ўзининг уятли фото ҳамда видео тасвирлари “номаълум шахс” томонидан “Телеграм” мессенжерида тарқатиб юборганлигини маълум қилган. Тезкор-қидирув хизмати Киберхавфсизлик бўлинмалари томонидан ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида, ушбу жиноятни Самарқанд вилояти, Жомбой туманида яшовчи 17 ёшли Э.М. содир этганлиги аниқланди. Унга кўра, Э.М. “Телеграм” мессенжерида З.Н.нинг профилидан у жойлаштирган фотосуратларини юклаб олиб, уларга махсус дастурлардан фойдаланиб ишлов бериб, тарқатиб юборганлиги маълум бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан Э.М.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 141/3-моддаси 2-қисми “в” банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди[3].

Шунингдек фуқароларга берилаётган имкониятлардан, яъни журналистик ва бошқа шунга ўхшаш эркинликларидан ғаразли ниятларда фойдаланиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ҳуқуқий тушунтиришлар олиб бориш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар инсон ҳуқуқларини эъзозлаш ва қадр-қимматига юксак эҳтиром кўрсатиш демакдир.

Хулоса қилиб айтганда ушбу соҳада профилактик ишларни ташкил қилишда куйидагилар амалга оширилиши зарур:

**Биринчидан**, шахсни шаънини камситувчи маълумотларни ошкор қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;

**иккинчидан**, шахсни шаънини камситувчи маълумотларни ошкор қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг профилактикасини тамойиллари, тартиби ва шартларини замонавий ёндашувлар, илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш;

**учинчидан**, шахсни шаънини камситувчи маълумотларни ошкор қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг профилактикасини амалга ошириш мақсадида шу соҳада озодликдан

махрум қилинган маҳкумларни ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш ва улар билан профилактик ишларни амалга оширишда ахборот технологиялардан тўғри йўлда фойдаланишни ташкил этиш.

**тўртинчидан**, шахсни шаънини камситувчи маълумотларни ошкор қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг жабрланувчисига айланиб қолмаслик юзасидан профилактик-огоҳлантирув тадбирларини олиб боришда блогер ва ижтимоий тармоқларда кенг аудиториясига эга бўлган шахсларни кенг жалб қилиш;

**бешинчидан**, Ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бўйича мутахасислар тайёрлаб бераётган олий ва ўрта-махсус таълим ўқув юртлари талабалари ва уларнинг битирувчилари орасида мазкур турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олиш мақсадида уларни ҳуқуқий онгини шакллантириш ҳамда уларнинг онгида интернет тармоқлари орқали жиноят содир этилиши қонунчилик билан тақиқланганлиги ва тегишли жавобгарликни келтириб чиқариши юзасидан илмий асосланган ягона мафкуравий йўналиш ишлаб чиқиш;

**олтинчидан**, шахсни шаънини камситувчи маълумотларни ошкор қилиш билан боғлиқ жиноятлар юзасидан келиб тушган ҳар бир мурожаатларни текширув натижаси бўйича унинг қонунийлиги ва жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ИИБ тизимида республика миқёсида ушбу турдаги жиноятларни содир этиб келаётган ҳамда жиноятларни содир этишга мойил шахсларни рўйхатининг ягона базасини шакллантириш, ушбу шахслар тўғрисида маълумотларнинг вилоятлараро алмашинувини ва тезкор ишлар олиб борилишини йўлга қўйиш.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шахснинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тугиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш ва унинг оқибатлари » Янгиобод тумани ҳокимлиги расмий сайти (jizzax.uz)
2. Бегматов Ш.Х. Шахснинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тугиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш ва унинг оқибатлари. <https://yangiobod.jizzax.uz/yangiliklar/2742>.
3. [https://t.me/cyber\\_102/1805](https://t.me/cyber_102/1805).
4. Qushboqov S., Tilabov S. Axborot xavfsizligi hamda muhofazasi ta'minlashda huquqbuzarlik profilaktikasining roli //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 45-47.
5. Qushboqov S., Mamatova D. Yangi O'zbekistonda huquqbuzarlik profilaktikasining o'rni //current approaches and new research in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 37-39.
6. Кушбоқов Ш., Ҳосилжонов М. Оилавий (маиший) зўравонлик ҳуқуқбузарлигини малакалашдаги муаммолар //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 29-31.
7. Шермухамедов А.А., ўғли Холдаров Ф.Э. Методика расчёта интенсивности износа и пробега шин специализированных транспортных средств //research and education. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 231-247.

8. Охунов З., Қушбоқов Ш Т. Т. С. Э. Ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
  9. Вахобжонов Д. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ҳамкорлиги ташкилий-ҳуқуқий асослари //Бюллетень педагогов нового Узбекистана. – 2023. – Т. 1. – №. 12. – С. 117-125.
  10. Qushboqov S., Zamonov X. Shaxsning hayoti va sogligiga qarshi jinoyatlarning oldini olishning oziga xos xususiyatlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 79-84.
  11. Вахобжонов Д. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг фаолияти самарадорлигига салбий таъсир этувчи омиллар таҳлили //Евразийский журнал технологий и инноваций. – 2023. – Т. 1. – №. 12 Part 2. – С. 142-150.
  12. Қушбоқов Ш., Самадов М. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими //Solution of social problems in management and economy. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 95-98.
  13. Вахобжонов Д. Профилактика инспекторининг шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар профилактикасида халқаро тажриба ва қонунчилик //Бюллетень студентов нового Узбекистана. – 2023. – Т. 1. – №. 12. – С. 27-35.
  14. Қушбоқов Ш., Самадов М. Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ўрни //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 73-76.
- 73-76

INNOVATIVE  
ACADEMY